



**ЮРИДИК СОҲАГА ОИД ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ЯГОНА
МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ ЯРАТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

Юлдошбеков Авазбек Алишер ўғли

ТДЮУ Илмий бошқармаси бош мутахассиси

a.yuldoshbekov@tsul.uz

Аннотация: *Сўнги йилларда мамлакатимизда юридик илм-фан соҳасини ривожлантиришга қаратилган муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга, жамиятда илмий даражали педагог кадрларни тайёрлашга йўналтирилган тизимли чоралар кўрилмоқда.*

Хусусан, ушбу илмий мақолада юридик соҳага оид илмий тадқиқотларнинг ягона маълумотлар базасини яратиш тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар акс эттирилган.

Калит сўзлар: *олий таълим, юридик таълим, илмий тадқиқот, илмий салоҳият, электрон платформа, диссертация.*

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги ПФ-5987-сон Фармонида ҳуқуқ соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижаларини амалий жихатдан жорий этиш, ўқитишнинг илғор услубларидан кенг фойдаланиш, шунингдек, замонавий талабларни инобатга олган ҳолда таълим стандартларини модернизациялашга етарли эътибор берилмаётганлиги, бу эса юридик таълим сифати ва илмий салоҳиятнинг пасайишига олиб келаётганлиги таъкидланган. Бирок, ушбу Фармонда юридик илм билан боғлиқ муносабатларга етарлича эътибор қаратилмаган.

Таъкидлаш жоизки, юридик илм юридик таълимнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу сабабли юридик илмни такомиллаштириш жараёнини юридик таълимни ривожлантириш билан уйғунликда олиб бориш талаб этилади.

Юридик соҳада ёқланган докторлик диссертациялари юридик илм соҳасидаги янгиликлар ёки ихтиролар ҳисобланади ҳамда улардан самарали фойдаланиш талаб этилади. Таъкидлаш жоизки, миллий таълим тизимимизда бу ҳолатга етарли аҳамият берилмаган. Жумладан, ёқланган диссертацияларни фақат диссертация бажарилган тегишли илмий муассаса ахборот ресурс марказидан олиш мумкин. Бунда ҳам ушбу ташкилот раҳбарининг ёзма рухсати талаб этилади.

Бундан ташқари, докторлик диссертацияларидан электрон фойдаланиш тартиби самарали йўлга қўйилмаган. Масалан, бугунги кунда докторлик диссертацияларидан айримларини Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасининг веб-сайтидан олиш мумкин. Шунингдек, диссертациялар тўғрисидаги маълумотларни диссертация бажарилган тегишли муассасаларнинг расмий электрон кутубхона ёки электрон ахборот ресурс тармоғидан топиш мумкин.



Кўриниб турибдики, мазкур шаклдаги маълумотлар базаси ёки ахборот тизимининг мавжуд эмаслиги ёқланган диссертациялардан унумли фойдаланиш, уларни амалиётда қўлланилишини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш фаолиятининг тизимли ва изчил амалга оширилмаслигига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, юқоридаги ҳолатлар юридик соҳада ёқланган диссертациянинг оммалашишига, у тўғрисида эркин маълумот олишга, ундан иктисодий ва тижорат мақсадларида фойдаланишга имкон бермайди. Бу эса юридик илмнинг ривожланишига диссертациялардан фойдаланиш самарадорлигига таъсир қилмоқда.

Шу билан бирга, муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ёки хорижий давлатларнинг инновацион тажрибаларини миллий қонунчиликка жорий этиш бўйича тегишли илмий тадқиқот натижасини ўрганишнинг ўзи етарли бўлмаслиги мумкин. Бунда ушбу тадқиқот олиб борган мутахассис билан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси юзасидан маслаҳатлашиш, хориж тажрибасини амалиётга қўллаш билан боғлиқ муаммолар юзасидан фикр алмашиш талаб этилади. Албатта, бу тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этишда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни олдини олишга хизмат қилади.

Бироқ, тадқиқот муаллифлари, муайян соҳада мутахассис бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотларни топиш мураккаб жараён бўлиб ҳисобланади. Бу тадқиқот натижаларининг нотўғри қўлланилишига, қонунчиликка киритилаётган таклифларнинг мутахассис маслаҳатсиз ишлаб чиқилишига, тадқиқотдан кўзланган мақсаднинг амалга ошмаслигига сабаб бўлмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, юридик соҳага оид илмий тадқиқотлар ва илмий мутахассисларнинг ягона маълумотлар базасини яратиш таклиф этилади.

Бунда ушбу маълумотлар базасига барча учун очиқ бўлган маълумотлар киритилади. Юридик соҳадаги докторлик диссертацияларининг маълумотлар базасидан фойдаланиш давлат органларининг масъул ходимлари учунгина бепул қилинган ҳолда, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар учун пуллик хизмат шаклида ташкил этилади. Шу билан бирга, мазкур тизим орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқаётган ташкилот лойиҳа юзасидан тегишли мутахассис тўғрисида зарур ахборотга эга бўлади ҳамда уни лойиҳа муҳокамасига бевосита жалб этиш имкониятига эга бўлади.

Юридик соҳада ёқланган докторлик диссертацияларининг маълумотлар базасини ташкил этиш, биринчидан, ушбу диссертацияларнинг давлат ва жамият фаровонлиги, юридик илмни ривожлантириш мақсадларига самарали хизмат қилишига, иккинчидан, амалиётда уларнинг эркин қўлланилишига, давлат органларининг ходимлари ва илмий тадқиқотчиларнинг самарали фойдаланишига, учинчидан, докторлик диссертацияларидан тижорат мақсадларида фойдаланилишига имкон беради.

Шунингдек, муайян ҳуқуқ соҳалари бўйича зарур билим ва тажрибага эга бўлган мутахассис ва илмий маслаҳатчилар тўғрисида ишончли маълумотлар базасининг яратилиши ушбу соҳадаги олимларни норма иждокорлиги фаолиятига кенг жалб



қилишга, улар билан давлат органларининг самарали ҳамкорлиги ўрнатилишига ёрдам беради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қайд этиш жоизки, юридик ихтисосликлар бўйича тадқиқот олиб бораётган олимларнинг илмий изланишлари ва улар ҳақидаги маълумотларни ўзида мужассам этган ягона платформани яратиш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, университетда илмий тадқиқотларни бошқариш, шу жумладан таянч докторантлар ва мустақил изланувчиларнинг илмий тадқиқотларини онлайн кузатиб бориш учун мўлжалланган “*e-researcher*³²” платформаси яратилди.

Мазкур платформа орқали тадқиқотчилар рўйхатдан ўтишлари ва ўзларининг шахсий портфолиоларини яратишлари мумкин. Портфолиода тадқиқотчининг тамомлаган олий таълим муассасалари, иш тажрибаси, хорижий тилларни ўзлаштирганлик даражаси, диссертация мавзуси, илмий лойиҳа, давлат гранти, хўжалик шартномаси ёки бошқа лойиҳаларда иштироки, халқаро кўрсаткичларга кўра нашрларига иқтибослари, хорижий мамлакатларда ташкил қилинган илмий-педагогик фаолиятга оид халқаро тадбирларда (форумлар, конференциялар, анжуманлар ва бошқалар) иштироки, илмий-тадқиқот фаолияти натижаларини амалиётга жорий қилинганлиги, шунингдек илмий нашрлари ва ўқув адабиётлари ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилади.

Бундан ташқари, платформада тадқиқотчининг белгиланган шаклдаги тадқиқот режаси автоматик шакллантирилади. Тадқиқот режаси доирасида бажарилган ишлар натижалари бевосита тадқиқотчилар томонидан платформага жойлаштириб борилиши мумкин.

Бундан ташқари, юридик соҳада тадқиқот олиб боришни энди бошлаган ёш олимлар учун “Uzlaw³³” электрон платформаси яратилиб, жорий йилнинг бошидан тўлиқ ишга туширилди. Ушбу платформа орқали тадқиқотчилар юридик соҳада изланиш олиб борган олимнинг тўлиқ маълумотлари, улар томонидан муваффақиятли ёқланган диссертация ва унинг аавторрефератига эга бўлишлари мумкин.

Шунингдек, тадқиқотчилар мазкур платформа орқали Тошкент давлат юридик университети муассислигидаги журналларга ўз илмий мақолаларини тўғридан-тўғри жўнатиш имкониятига эга бўладилар.

Маълумот учун: *Россия Федерациясида Россия давлат электрон кутубхонаси ахборот тизимида “диссертациялар кутубхонаси” бўлими мавжуд бўлиб, унинг виртуал ўқиш залларида докторлик диссертацияларидан фойдаланиш мумкин.*

Исталган докторлик диссертацияси муаллифи ўз диссертациясини Россия давлат кутубхонаси сайтида нашр этиши мумкин. Кутубхона маъмурияти диссертация муаллифлари ёки диссертация бажарилган тегшли ташкилот билан Россия қонунчилигида белгиланган тартибда шартнома тузади.

³² <https://e-researcher.uz/ru/>

³³ <https://uzlaw.uz/ru/tadqiqot-dayjesti/>



Шунингдек, Хитойда "CNKI"³⁴ ва "Wanfang"³⁵ номли докторлик диссертациялари бўйича маълумотлар базаси мавжуд. Хусусан, "Wanfang" маълумотлар базаси Хитойнинг илмий ва техникавий ахборот институти томонидан ташкил этилган бўлиб, мазкур институт миллий докторлик диссертацияларини сақлаш ваколатига эга ташкилот ҳисобланади. Бугунги кунда мазкур маълумот базасида 2 млндан ортиқ диссертациялар сақланади. Бундан ташқари, рус тилидаги *dissercat*³⁶, *dslib.net*³⁷ номли электрон диссертация кутубхоналари мавжуд бўлиб, улар диссертациялар тижорати билан шугулланади ҳамда муаллифга унинг диссертациядан олинган фойданинг 70 фоизи берилади.

REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 29.04.2020 йилдаги ПФ-5987-сон// (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 25.12.2021 й., 07/21/61/1195-сон; 04.07.2023 й., 06/23/107/0441-сон);
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 22.05.2017 йилдаги 304-сон// (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.06.2021 й., 09/21/345/0522-сон, 28.08.2021 й., 09/21/545/0832-сон; 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон; 01.01.2023 й., 07/23/471/0001-сон);
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг Қарори, 23.06.2017 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 289 // (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.07.2021 й., 10/21/3313/0724-сон; 21.01.2022 й., 10/22/2894-4/0051-сон; 07.03.2022 й., 10/22/2894-5/0185-сон; 17.10.2022 й., 10/22/3392/0951-сон);

³⁴ <https://epub.cnki.net/KNS/brief/result.aspx?dbprefix=CDMD>

³⁵ <http://c.wanfangdata.com.cn/thesis>

³⁶ <https://www.dissercat.com/>

³⁷ <http://www.dslib.net/>